**ШАРТНОМА № - Б-5**

«_21._» ___01___ 2022 йил Марғилон шаҳри

Марғилон шаҳар «Марғилон Обод Тозалов Сервис» МЧЖ биринчи томондан бошлиғи З.Домилаев (кейинги матнларда "Бажарувчи" деб юритилади.) Марғилон 1-сон касб-ҳунар мактаб раҳбари О. Тўваев (кейинги матнларда «Буюртмачи» деб юритилади) ушбу шартномани туздик.

## I. Шартноманинг мазмуни.

1. «Бажарувчи» ушбу шартномага асосан «Буюртмачи»га супурунди ва маиший ахлатлар, чикиндиларни (курилиш чиқиндиларидан ташқари) ташиб олиб чиқиб кетиш каби хизматларни бажариб беради. «Буюртмачи» ушбу шартнома бўйича «Бажарувчи» томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлайди.

## II. Хизматлар тури ва нархлар.

2.1 «Бажарувчи» ушбу шартномага асосан «Буюртмачи топшириғига асосан қуйидаги ишларни бажариб беради.

| № | Бажариладиган ишлар тури | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | ККС 15% | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Чикинди ташиш | м3 | 12,9 | 40000 | 6000. | 593400. |
| | Жами: | | | | | 593400 |

2.2 Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг қиймати ойига Беш юз тўқсон уч минг тўрт сўмни ташкил этади.

## III. Бажарилган ишлар бўйича хисоб-китоб килиш.

2.3 «Буюртмачи» бажариладиган иш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.11.2018 йилдаги ПФ-5580-сонли Фармонига асосан олдиндан 100 % миқдорида амалга оширади.

2.4 Маиший чиқиндиларни ташиш бўйича белгиланган тарифлар ўзгарган тақдирда ёки ташиб чиқиб кетиладиган маиший чиқиндиларни шартномада кўрсатилган миқдордан ортиб кетиши муносабати билан шартнома бўйича бажариладиган ишлар қиймати мутаносиб равишда ўзгариб боради.

2.5 Мазкур шартнома бўйича хисоб-китоблар факт бўйича, яъни ҳақиқатда ташланган чиқинди миқдорини хисоблаш орқали амалга оширилганда, ой якуни бўйича олиб чиқиб кетилган чиқинди миқдори шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган жадвал хисоб-фактурада акс этади.

## IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари .

3.1. **«Буюртмачи»:**

- Хизматлар тури бўйича керакли ишларни бажаришни топширади;
- Ўз худудида маиший чикиндиларни олиб кетиш учун кирган транспорт воситаларини ҳаракатланишига, хизмат кўрсатишни таъминлашга етарли шароит яратиб беради;
- Бажариладиган ишларини назорат қилиб туриш учун ўз вакилини ажратади;
- Чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш юзасидан хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келган муаммолар бўйича "Бажарувчи"нинг диспетчерлик хизмати телефон рақами (+99895) 404-00-34 орқали мурожаат қилади;
- Кўрсатилган маиший чикиндиларни ташиш ҳизмати бўйича тўловларни ўз вақтида ўтказиб беришни таъминлайди.

3.2. **«Бажарувчи»:**

- Ўзига топширилган маиший чиқиндиларни ташиш хизматини сифатли амалга оширилишини таъминлайди;
- Бажарилган ишлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириб тўлов учун такдим этади;

- Шартномада кўрсатилган хизмат турларини ўзининг маҳсус транспорт воситалари ҳамда ишчилари орқали бажаради.

## V. Бажарилган ишлар учун хисоб-китоб қилиш тартиби.

5.1 «Буюртмачи» бажарилган ишлар учун тақдим этилган хисоб варақ фактураларига асосан тўловни «Бажарувчи» ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

## VI. Томонларнинг жавобгарлиги.

**6.1.** Томонлар ушбу шартнома бўйича зиммаларига олган мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектларининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун хужжатларида белгиланган доирада жавобгар хисобланадилар.

## VII. Низоларни хал қилиш тартиби.

7.1 Ушбу шартнома бўйича барча низолар ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади.

7.2 Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда келишмовчиликлар суд орқали хал қилинади.

## VIII. Форс мажор холатлари.

8. Шартнома тузилгандан сўнг табиий офатлар (ер қимирлаши ,сув тошқини, ёнгин, эпидемия,) уруш, хукуматнинг норматив - хуқуқий хужжати, томонларнинг хохишидан қатъий назар бажара олмайдиган холатлар вужудга келган тақдирда шартноманинг вазифалари бажарилмаса икки тараф хам жавобгар бўлмайди. Агар ушбу холат 3 ой давомида бартараф этилмаса ва тугаши аникланмаса тарафлардан бирининг ташаббуси билан 10 кун олдин ёзма хабар юбориш йўли билан шартномани бекор қилишлари мумкин.

## IX. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва шартномани бекор қилиш тартиби

9.1 Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хар иккала томоннинг ўзаро келишувига асосан амалга оширилади.

9.2 Шартномани бекор қилиш хар иккала томоннинг ўзаро келишуви билан ёки суд тартибида амалга оширилади. Шартномани бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди.

9.3 Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил «21» 01 дан «31» декабр 2022 йилгача.

9.4 Шартнома муддати тугагандан ёки келишмовчилик мавжуд бўлмаган холатда шартнома ўзгартирилмаган ёки янги шартнома тузилмаса мазкур шартнома келгуси йилга якунига қадар муддати узайтирилган ҳисобланади.

| «Бажарувчи»: | «Буюртмачи»: |
|---|---|
| «Марғилон Обод Тозалов Сервис» МЧЖ | Марғилон 1-сон касб-хунар мактаби. |
| Манзил: Марғилон шаҳар | |
| Б.Маргилоний 79-А уй | Б. Марғилоний 1-2. |
| Х/р: 20208000500253180001 | тел 27335-28-24, 73235-08-62 |
| МФО: 00527 | ИНН 200140098. |
| ИНН: 302701794 | Молия Вазирлиги Ғазначилиги |
| Банк номи: Кишлок Курилиш банк Марг | Х/Р 23402000300100001010 |
| ОКОНХ: 71270 | ИНН 201122919 |
| Тел: +99895-404-00-34 | МФО 00014 |
| | ШХР 100010860304127092901079001. |
| | Банк номи:Марказий банк Тошкент |
| Рахбар ____________ З.Домилаев | Раҳбар ____________ О. Губаев |

ЮРИСТ

ХУКУКШУНОС ____________